

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.Yu.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ҚУЧҚАРОВ ХАМИДУЛЛО АБДУРАСУЛОВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА КЎРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Қучқаров Хамидулло Абдурасулович

Фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда
қўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Қучқаров Хамидулло Абдурасулович

Совершенствование правовых основ рассмотрения гражданских
дел в упрощённом порядке.....25

Kuchkarov Xamidullo Abdurasulovich

Improvement of legal framework of conducting civil cases
in a simplified order.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.Yu.74.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ҚУЧҚАРОВ ХАМИДУЛЛО АБДУРАСУЛОВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШЛАРНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА КЎРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи.
Ҳакамлик жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Үу94 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) «Ziynet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эсанова Замира Нормуратовна
юридик фанлар доктори, профессор

Ҳазратқулов Одилбек Турсунович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc30.08.2018.Үу.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: 230-32-71; факс (99871) 230-32-50; mghti@umail.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган) (манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.:230-32-71).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Рустамбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.М.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б.Усмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этишнинг тезкорлигини таъминлаш, судда иш юритишни соддалаштириш ва ихчамлаштириш орқали судлар томонидан инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, фуқаролик суд ишларини юритишнинг оқилона муддатларини белгилаш, фуқаролик суд ишларини олиб бориш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тенденциялари кучайиб бормоқда. Фуқаролик суд ишларини соддалаштириш бўйича англо-америка ва континентал ҳуқуқ тизимида айни вақтда судга қадар ёки суддан ташқари музокаралар олиб боришга, шунингдек даъво суммаси юқори бўлмаган суд ишларида тарафларнинг иштирокисиз ёзма далиллар асосида суд қарорларининг чиқарилиши орқали судьяларнинг иш ҳажмини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда фуқаролик судларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилиш, судларни ихтисослаштириш, иш кўришнинг ихчамлаштирилган тартиб-таомилларини белгилаш, фуқаролик суд ишларини юритишга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини татбиқ этиш билан боғлиқ қоидаларни белгилаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, фуқаролик судларида соддалаштирилган тартибда иш юритишни янада кенгайтириш орқали судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш, ишни судда муҳокама қилиш босқичларини оптималлаштириш орқали суд харажатларини камайтириш ва тарафларнинг сансалорлигининг олдини олиш, суд қарорларига қўйилган процессуал талабларнинг тўлиқ бажарилишига, шунингдек суд қарорлари устидан берилаётган шикоят ва протестларнинг кўпайишининг олдини олишга эришиш, суд қарорларининг вақтида ижро этилишини таъминлаш бўйича фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий изланишлар мавжуд.

Республикамизда фуқароларнинг судга муурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”¹га мувофиқ, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш, фуқаролик суд ишларини қисқа муддатларда ва кам харажат сарфлаган ҳолда қулай ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тезкорлик билан ҳал қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса фуқаролик суд ишларини юритишни янада соддалаштириш, фуқаролик процессига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ҳамда фуқаролик ишларини оқилона муддатларда кўриб чиқиш ва ҳал этишни ўзида ақс эттирган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожланган давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни тақозо этади. Айниқса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда судга қадар тарафларнинг келишувига эришиш, даъво суммаси юқори бўлмаган суд ишлари бўйича тарафларнинг иштирокисиз мавжуд далиллар асосида суд қарорларининг чиқарилиши бугунги куннинг долзарб вазибаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, “Судлар тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқаролар-нинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4850-сонли ҳамда 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сонли Фармонлари, 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4086-сонли қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибалар ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштириш масалалари Ўзбекистонда алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини алоҳида қайд этиш ўринли. Бироқ буйруқ тартибида иш юритиш, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш, келишув битими тузиш масалалари тадқиқот объекти сифатида ўрганилганки, ушбу ишларнинг айрим жиҳатлари фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ. Масалан, Э.Эгамбердиев фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари, М.М.Мамасиддиқов буйруқ тартибида иш юритиш масалалари, З.Н.Эсанова сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти, С.А.Тошназаров фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш,

К.К.Олимова фуқаролик суд ишларини юритишда вакилнинг иштирок этиш муаммоларини тадқиқ этган.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг умумий масалалари айрим мутахассислар, хусусан, Д.Ю.Хабибуллаев, С.А.Марипова, Р.Хусаиновалар томонидан муайян мақолалар даражасида қисман ўрганилган.

Хорижий олимлардан Эцуко Сугияма Япония фуқаролик процессини соддалаштириш масалаларини тадқиқ этган бўлса, Николас Дэвид Конвей АҚШда тезкор одил судловни амалга ошириш масаласини¹, Раду Разван Гергус Канада фуқаролик процессини оптималлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этган. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қуйидаги мутахассислари томонидан фуқаролик процессини соддалаштиришга доир ишлар нашр этилган: Л.Розенберг, К.Х.Шваб, П.Готвальд, Ф.Баурн, Ханс-Йоахим Мусиелак², Т.Н.Шабанова³, Е.В.Кудрявцева⁴.

МДҲ давлатлари ҳуқуқшунос олимлари ва мутахассислари томонидан фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриш масалалари Н.В.Сивак, Е.П.Кочаненко⁵, С.К.Загайнова, З.А.Папулова, А.К.Савиновлар томонидан тадқиқ этилган.

Албатта, мазкур олимларнинг асарлари ва нашрларида билдирилган фикрлар ушбу тадқиқот ишини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Бироқ мамлакатимиз қонунчилиги доирасида фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритишнинг бугунги кундаги ҳолатини тадқиқ этиш, суд харажатларини камайтириш, тарафларнинг вақтини тежаш, улар орасидаги муносабатларнинг самимийлигини сақлаш ҳамда судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш, пировардида қабул қилинаётган суд қарорларининг қонуний ва асослилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу мавзу долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар

¹ RUSH TO JUSTICE: THE DISAPPEARING CIVIL TRIAL A Dissertation by NICHOLAS DAVID CONWAY Submitted to the Office of Graduate and Professional Studies of Texas A&M University in partial fulfillment of the requirements for the degree of DOCTOR OF PHILOSOPHY December 2016 <https://oaktrust.library.tamu.edu/bitstream/handle/1969.1/158625/CONWAY-DISSERTATION-2016.pdf>

² Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу с Gerichtsverfassungsgesetz: изд. от доктора Ханс-Йоахим Мусиелак - 3-й, новый век. – Мюнхен: Вален, 2002.

³ Шабанова Т.Н. Рассмотрение и разрешение гражданских дел в Верховном суде штата Калифорния (США): автореферат дис. ... кандидата юридических наук. – Москва, 2007. – 23 с.

⁴ Кудрявцева Е.В. Современная реформаанглийского гражданского процесса: автореферат дис. ... кандидата юридических наук. – Москва, 2008. – 24 с.

⁵ Сивак Н.В. Упрощенное производство в арбитражном процессе: автореферат дис. ... кандидата юридических наук. – Москва, 2009. – 23 с.; Кочаненко Е.П. Упрощенная форма разрешения дел в арбитражном процессе Российской Федерации: автореферат дис. ... кандидата юридических наук. – Москва, 2009. – 23 с.

асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш” (2016–2019) илмий изланишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар ва қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчасини ишлаб чиқиш ва унинг фуқаролик процессида тутган ўрнини аниқлаш;

соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг мазмуни ва ҳуқуқий табиатини таҳлил этиш орқали унинг ўзига хос белгилари ва шартларини аниқлаш;

миллий қонунчилигимизда соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг юзага келиши ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ва тавсифлаш;

статистик маълумотлар ва суд амалиётини ўрганиш асосида мамлакатимиз қонунчилигида мавжуд бўлган соддалаштирилган тартибда иш юри-тишнинг самарадорлигини баҳолаш;

ривожланган давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, соддалаштирилган тартибда иш юритиш бўйича тўпланган миллий тажрибани тадқиқ этиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижасида суд ишларини соддалаштирилган тартибда ҳал этишга доир миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриш жараёнида юзага келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш, шу жумладан уларнинг процессуал хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий адабиётлар, миллий ва хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш механизмлари ва амалиётда мавжуд муаммолар, улар фаолиятига оид статистик маълумотлар, соҳа вакиллари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқий-юридик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиш, статистик усуллардан, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагиларда ифодаланади:

даъво ишини юритишда тарафлар суд процессининг ҳар қандай босқичида ишни келишув битими тузиш ёки биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар медиатив келишув тузиш орқали тугаллашга ҳақли эканлиги асослаб берилган;

касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси билан, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан муурожаат қилишга ҳақли эканлиги асослантириб берилган;

фуқаролик ишларининг соддалаштирилган тартиби даъво суммаси кам миқдорда бўлиши, ёзма далилларнинг етарли ва тасдиқланган бўлиши ҳамда тарафларнинг ишни соддалаштирилган тартибда кўрилишига қарши эмаслиги ҳақидаги ёзувнинг бўлиши кабилар асосида асослантириб берилган;

фуқаролик ишларида ёзма далилларга асосий урғу берилишини эътиборга олган ҳолда соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг таърифи такомиллаштирилган;

даъво аризаларини қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни даъво аризасини электрон қайд қилиш, уни электрон тақсимлаш ва жавобгарнинг даъво аризасига нисбатан ёзма фикр билдириш тартиби жорий этиш асослантирилган;

суд муҳокамаси бошланишига қадар тарафлар ўзаро келишувга эришсалар, улар томонидан тўланган давлат божининг ярмини қайтариб бериш таклифи асослантирилган;

судлар томонидан даъво суммаси кам миқдорда бўлган низоли ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш тўғрисидаги нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқи бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали янада ишончли ҳимоя қилиш, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни соддалаштириш мақсадида судга тааллуқли ишларнинг қамрови ва рўйхатини бевосита Фуқаролик процессуал кодексида мустаҳкамлаш асослантирилган;

фуқаролик суд ишларини соддалаштиришнинг умумий (процессуал муддатларни такомиллаштириш, фуқаролик ишини қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни мазмунан кўриш каби босқичларни соддалаштириш) ва махсус воситаларга (буйруқ тартибида иш юритиш, сиртдан иш юритиш ва келиштирувчи тартиб-таомиллар) туркумланиши асослантирилган;

фуқаролик суд ишларини юритиш тизимида соддалаштирилган тартибни киритиш, даъво суммаси кам бўлган низолар бўйича ишларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва суд ҳужжати ижросини тезкор таъминлаш имконини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган бобни киритиш таклиф этилган;

буйруқ тартибида иш юритишда бир тарафда қарздор, иккинчи тарафда ундирувчи иштирок этиши ҳамда қонунчиликда ушбу шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга эҳтиёж мавжудлиги туфайли Фуқаролик

процессуал кодексига ушбу шахсларнинг таърифини киритиш асослантилган;

суд буйруқларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига қонуний кучга кирган суд буйруқлари устидан кассация шикоятни бериш (протест келтириш) тартибини назарда тутиш таклиф этилган;

Фуқаролик процессуал кодексига қайси турдаги ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорларини чиқаришда сиртдан иш юритиш тартибини қўллаш, қайси бирлари учун қўлламаслик масаласи таҳлил қилиниб, барча турдаги фуқаролик ишлари бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш самара бермаслиги, айрим тоифадаги, масалан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бўйича сиртдан ҳал қилув қарори қабул қилиш мумкин эмаслиги асослантилган;

ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафларни яраштиришга қаратилган процессуал механизмларни жорий этиш мақсадида мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига, биринчидан, тарафлар ва уларнинг вакиллари томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар ҳамда жавобгарнинг даъво аризасига нисбатан ёзма фикр билдириш тартибини белгилаш, иккинчидан, “Дастлабки суд мажлиси” деб номланган алоҳида модда киритиш ва унда ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тайёрлов мажлисининг мақсади, муддати, ушбу мажлисда судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар, уни ўтказиш тартиби ва якуни бўйича суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг мазмунига доир нормаларни киритишга оид асослантилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижасини асослаб эътирувчи хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга қаратилган таклифлар фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи, ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослигида мавжуд назарий қарашларни, фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўришга оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган статистик маълумотлар ва ўтказилган анкета-сўровлари тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, унинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, муаллиф томонидан фуқаролик-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни соддалаштиришнинг тушунчаси, соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг шартлари ва тартиби, шунингдек соддалаштирилган тартибда иш юритишни назарда тутувчи фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари тизимини такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг амалиётга татбиқ

этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш билан боғлиқ илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусида фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқ соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек судьялар ва судьяликка номзодлар учун ташкил этиладиган ўқув семинарлари ва тренингларда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фуқаролик суд ишларида иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–531-сон Қонунининг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 44-моддаси тўртинчи қисмига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 29 апрелдаги 147-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга хизмат қилган;

Касаба уюшмаларининг қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ҳуқуқларини таъминлашга оид таклифлари 2016 йил 28 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Қонунининг тўққизинчи бандига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2017 йил 2 мартдаги 06/02-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар касаба уюшмаларининг қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 173-моддаси биринчи бандини “давлат божи” деган сўзлардан кейин “ва

почта харажатлари” деган сўзлар билан тўлдиришга оид таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–496-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 173-моддаси биринчи бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 29 апрелдаги 147-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг киритилиши фуқаролик процессида буйруқ тартибда иш юритишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 44, 49, 51, 69, 166-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ–531-сонли “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чоратadbирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси биринчи бандига ҳамда ўн биринчи бандига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 29 апрелдаги 147-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштириш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Фуқаролик ишларида ёзма далилларга асосий урғу берилишини эътиборга олган ҳолда “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” таърифини такомиллаштиришга оид таклиф 2011 йилда муаллиф томонидан нашр этилган “Судда ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг процессуал жиҳатлари” номли ўқув қўлланмада ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этирилган, жумладан, миллий журналларда 10 та, халқаро журналларда 2 та, илмий анжуманларда 8 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 3 та боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати,

тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари”** деб номланган биринчи бобида суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган шаклини тартибга солувчи қонунчилик, унинг вужудга келиши ва ривожланиши, соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва унинг шартлари, фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг устувор йўналишлари каби масалалар таҳлил қилинган.

Бугунги кунда суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган шаклини тартибга солувчи қонунчилиكنинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши масаласи бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (Ш.Ш.Шорахметов, Э.Эгамбердиев, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, Л.Розенберг, К.Х.Шваб, П.Готвальд, Ф.Баурн, Н.В.Сивак, Е.П.Кочаненко, С.К.Загайнова, З.А.Папулова, А.К.Савинов)нинг фикрларини ўрганиш асосида ёритилади.

Фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштириш, одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этишнинг дастлабки кўриниши сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш мамлакатимизнинг биринчи ФПКда илк бор ўз ифодасини топган эди. Миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимиз вужудга келишининг дастлабки даврлариданоқ фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этишнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган тартиб-таомилларини жорий этишга замин яратилган эди. Бироқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг янги процессуал тартибларини босқичма-босқич жорий этиш, унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати юзага келди. Бу каби процессуал тартибнинг жорий этилиши суд амалиётида фуқаролик ишларининг йилдан-йилга ортиб бориши, судьялар иш ҳажмининг кўпайиб бориши ҳамда фуқароларнинг суд орқали ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари амалда таъминланишини кучайтириш ҳамда одил судлов унинг учун шарт-шароит яратиш заруратидан келиб чиқди.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг мақсади – энг аввало, судларнинг, шунинг билан бирга процесс иштирокчиларининг вақтларини ва иш юритиш учун кетадиган маблағларни процессуал жиҳатдан тежашдан

иборат. Бироқ соддалаштирилган тартибда иш юритишда фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча вазифалари бажарилиши, фуқаролик процессининг принципларига риоя қилиниши шарт. Шу ўринда соддалаштирилган тартибда иш юритишни фуқаролик процессининг айрим принципларидан, яъни тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби муҳим принцип-лардан четга чиқиш деб талқин қилмаслик лозим.

Фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг назарий асослари ва устувор йўналишларини таҳлилэтиш якунида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш деганда фуқаролик ишларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўриш ва ҳал этишнинг махсус шакли тушунилиши керак. Соддалаштирилган тартибда суд ишларини юритиш фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этишнинг ҳамда суд орқали ҳимоянинг энг қулай шарт-шароитларни яратишнинг махсус воситаси сифатида шахсий манфаатларни жамоат (жамият) манфаатлари билан бирга олиб боришни таъминлашга хизмат қилади.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишда даъво тартибидаги иш юритишнинг у ёки бу нормаси ва принципларининг чекланиши фақатгина процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлаш даражаси юқори бўлганда ҳамда арз қилинган талабнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишга имкон берувчи иш кўришнинг процессуал механизми мавжуд бўлганда йўл қўйилиши мумкин.

Таҳлиллар натижасида фуқаролик суд ишларини юритишда соддалаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- даъво аризаларини қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш;
- иш судда муҳокама қилингунига қадар, низони бартараф этиш мақсадида келишув таомилларини кучайтириш;
- судлар томонидан даъво миқдори кўп бўлмаган низоларни соддалаштирилган тартибда кўриш тўғрисидаги нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш.

Диссертациянинг **“Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг умумий воситалари ва уларни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган иккинчи бобида соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг умумий воситалари ва хусусиятлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, фуқаролик суд ишларини соддалаштиришда судлар фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш масалалари, судларни ихтисослаштириш орқали фуқаролик суд ишларини кўриш ва ҳал этишни соддалаштириш масалалари, хорижий давлатларда фуқаролик ишларини соддалаштирилган тартибда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш бир қатор воситалар орқали

амалга оширилиб, фуқаролик суд ишларини кўриш ва ҳал этишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини самарали татбиқ этиш мақсадида унинг воситаларини тўғри танлаш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик процессуал қонунчилик ва юридик адабиётлар таҳлили фуқаролик суд ишларини соддалаштиришнинг умумий ва махсус воситалари мавжудлигини кўрсатади.

Умумий воситаларга одил судловни амалга ошириш механизмини соддалаштиришга хизмат қилувчи воситалар, яъни процессуал муддатларни такомиллаштириш, фуқаролик ишнни қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш ва ишни мазмунан кўриш каби босқичларни соддалаштириш кабилар кирази.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қатор ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида иш юритишни соддалаштирилган тартибда кўрилишида, айниқса, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафлар вакилларининг саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутати. Судда иш кўриш жараёни бошланмасидан аввал ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафларни яраштиришга қаратилган процессуал механизмларни жорий этиш тарафлар ва уларнинг вакиллари томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар ҳамда жавобгар (унинг вакили)нинг даъво аризасига нисбатан ёзма фикр билдириш тартибини белгилаш лозим. Бинобарин, инглиз фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида бу каби талаблар ўз ифодасини топган.

Таҳлиллар ҳамда судьялар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасида мамлакатимиз ФПКга “Дастлабки суд мажлиси” деб номланган алоҳида модда киритиш ва унда ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тайёрлов мажлисининг мақсади, муддати, ушбу мажлисда судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар, уни ўтказиш тартиби ва якуни бўйича суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг мазмунига доир нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштиришнинг муҳим йўналишлари сифатида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш судларда ишларни юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда электрон суд жараёнини, шу жумладан суд жараёнларини видео, аудио қайд этиш, суд жараёнлари стенографиясининг янги турларини ташкил этиш, шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш, ишда иштирок этувчи шахсларга суд билан икки томонлама ахборот алмашиш имконини яратиш эътироф этилади.

“Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг махсус воситалари ва уларни қўллаш масалалари” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритиш ва уни такомиллаштириш муаммолари, фуқаролик ишларини соддалаштирилган тартибда сиртдан кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик процессида

тарафларни келиштирувчи тартиб-таомилларни жорий этиш истиқболлари каби масалалар ёритилган.

Суд ишларини юритишни соддалаштиришнинг махсус воситалари сифатида фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этишнинг тезкорлигини таъминлашга қаратилган махсус институтларни ташкил этиш ва такомиллаштириш назарда тутилади. Махсус воситалар сифатида соддалаштирилган тартибда иш юритиш, яъни буйруқ тартибида иш юритиш, сиртдан иш юритиш ва келиштирувчи тартиб-таомиллар жорий этиш эътироф этилади.

Муаллифнинг фикрича, суд буйруғига нисбатан эътироз билдириш учун қонунда белгиланган ўн кунлик муддатнинг қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилиши унинг эътирозини суд томонидан қабул қилинмаслигига олиб келади. Бу эса қарздорнинг суд буйруғи қонунийлигини текшириш имкониятидан маҳрум қилади. Зеро, суд буйруқлари устидан апелляция тартибида шикоят берилмайди (протест келтирилмайди). Бу эса қарздор ҳуқуқларини тўлиқ қафолатлашга салбий таъсир кўрсатади. Ўрганилган МДХга аъзо давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 377–моддасига кўра қонуний кучга кирган суд буйруқлари устидан кассация тартибидаги шикоят ва прокурорнинг тақдимномаси келтирилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, суд буйруқларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига қонуний кучга кирган суд буйруқлари устидан кассация шикояти бериш (протест келтириш) тартибини белгилашга оид таклиф илгари сурилади.

Сиртдан қарор чиқариш институтнинг амалга оширилиши фуқаролик процессида даъвогарларнинг ҳуқуқларини қўшимча қафолатлар билан мустаҳкамлаш, тарафларнинг, айниқса, жавобгарларнинг ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари учун жавобгарлик меъёрларини ошириш, низоларга рухсат берилишини тезлатиш, шунингдек суд иш юритувида бўлган фуқаролик ишларини бирмунча қисқартириш ва уларни суд иш юритувида тўпланиб қолишни олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ишда бир неча даъвогарлар иштирок этаётган ҳолатларда сиртдан иш юритиш жараёнида айрим муаммолар вужудга келиши мумкин. ФПК нормалари фақат барча жавобгарлар келганда иш сиртдан кўрилиши мумкинлигини белгилайди (ФПКнинг 280-моддаси). Лекин фуқаролик процессуал қонунчилик ишда бир неча даъвогарлар иштирок этаётган тақдирда барча даъвогарнинг шу ҳақдаги розилиги шартлиги тўғрисидаги нормани белгиламайди. Лекин шундай бўлса-да, бизнингча, агар ишда бир неча даъвогар иштирок этаётган бўлса, бу ҳақда ҳар бир даъвогарнинг алоҳида розилиги талаб қилиниши лозим. Агар даъвогарлардан бирортаси ишни жавобгарнинг иштирокисиз сиртдан кўриб чиқишга розилик билдирмаса, суд ишни сиртдан кўриб чиқишга ҳақли бўлмаслиги керак. Бизнингча, ҳуқуқни қўллаш амалиётида фуқаролик процессуал

қонунчиликни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида бу ҳақдаги норма ФПКда ўз аксини топиши муҳим аҳамиятга эга.

Судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб ҳал этишнинг самарали усулларида бири сифатида келишув битими алоҳида аҳамият касб этади.

Келишув битимлари низоли-ҳуқуқий муносабат субъектларининг, умуман олганда, жамият аъзоларининг ўзаро қарама-қаршиликларини бартараф этишдаги мақбул воситалардан бири ҳисобланиб, тарафлар низони ҳал этиш шартларини келишув асосида, ўз манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро музокаралар орқали белгилайдилар.

Муаллифнинг фикрича, тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларида ҳеч нарсага ўзгартирмайдиган келишув битими шуниси билан муҳимки, ҳуқуқ ва манфаатлар борасида низонинг мавжуд бўлмаслигига тарафлар ўзларининг саъйи-ҳаракатлари билан суднинг кўмаги орқали эришадилар. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва манфаатлари борасида ихтиёрий равишда келишувга эришишлари фуқаролик процессининг тарбиявий аҳамиятини самарали таъсир кўрсатишидан далолатдир. Шунингдек, даъво тартибида кўриладиган фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафларни келиштириш чораларини кўришнинг қуйидаги аҳамиятли жиҳатлари мавжуд:

биринчидан, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тез фурсатларда ҳимоя қилиниши кафолатланади;

иккинчидан, тарафлар ўртасидаги ижтимоий кескинликларнинг пасайишига хизмат қилади;

учинчидан, иши кўриш билан боғлиқ суд чиқимлари кўпайишининг олдини олади;

тўртинчидан, судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш имконини беради. Бу эса суд қарорларининг сифатли, адолатли, қонуний ва асосли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар илгари сурилади.

I. Фуқаролик процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир илмий-назарий хулосалар.

1. Диссертант соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчасига нисбатан илмий таърифни ишлаб чиқади. Унинг фикрича, соддалаштирилган тартибда иш юритиш фуқаролик ишларининг ўзига хос хусусиятларини, хусусан, процесс иштирокчиларининг таркиби, ишнинг мураккаб ёки мураккаб эмаслиги, талабнинг миқдори ва бошқа шу каби жиҳатларини

эътиборга олган ҳолда ҳамда суднинг, шунинг билан бирга процесс иштирокчиларининг вақтлари ва иш юритиш учун кетадиган маблағларини процессуал жиҳатдан тежашни мақсад қилган иш юритишнинг махсус шакли тушунилиб, фуқаролик ишларини ҳал этишнинг ҳамда суд орқали ҳимоянинг энг қулай шарт-шароитларини яратишнинг махсус воситаси ҳисобланади.

